



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil «19» may

№ПК-5116

Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази Васийлик кенгашининг:

Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика марказини тугатиш;

Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази негизида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида **Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази** (кейинги ўринларда – Республика маркази) ва унинг ҳудудий бўлимларини ташкил этиш;

Мавжуд **197 та** Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказларини оптималлаштириш ҳисобига **29 та** Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича республика, ҳудудий ва туманлараро намунали марказлар (**кейинги ўринларда – марказлар**), шу жумладан, **1 та** Республика маркази, **14 та** ҳудудий марказлар ва **14 та** намунали туманлараро марказларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Марказлар бошқарув ходимларининг чекланган сони **63 нафар**, шу жумладан марказий аппаратида 7 нафар этиб белгилансин.

Белгилансинки, ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра марказлар ходимларининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари бир ярим баравар миқдорда қўлланилади.

Марказлар фаолиятига, зарур ҳолларда, юристлар, психологлар ва ижтимоий ходимлар жамоатчилиги асосида жалб қилиниши мумкин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Республика маркази ва ҳудудий марказлар давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўз мустақил балансига, шахсий ғазна ва банк ҳисобварақларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрига эга бўлади;

марказлар ўз фаолиятини **анонимлик, ахборотнинг махфийлиги, касбий маҳорат ва хавфсизлик** тамойиллари асосида амалга оширади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятини марказлар билан унинг **фаолиятига аралашмаган ҳолда яқин ҳамкорликда** олиб боради;

марказлар ўз фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ волонтерларни (кўнгиллиларни) жалб этиши мумкин.

4. Қуйидагилар **марказларнинг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизларга аноним тарзда шошилиш тиббий, психологик, ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш;

оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлашга кўмаклашиш;

давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг хотин-қизларнинг ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларини ўрганиш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек ўз жонига суиқасд қилган хотин-қизларни нормал ҳаётга қайтариш бўйича фаолиятига яқиндан кўмаклашиш;

“Аёллар дафтари”га киритилган психологик ва ҳуқуқий маслаҳатга муҳтож хотин-қизларни (тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган, ижтимоий муаммолари мавжуд хотин-қизлар) ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва “Аёллар дафтари”дан чиқариш чораларини кўриш;

низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатишни ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни, уларнинг келиб чиқишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва уларга барҳам бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёки қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар билан профилактик тадбирларни ўтказиш;

оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизларни касб-ҳунарга йўналтиришга кўмаклашиш;

долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ижтимоий тадқиқотларни ташкил этиш;

зўравонликнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, ушбу мақсадларда оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларидан кенг фойдаланиш.

5. Белгилансинки, марказларга қўйидагилар жойлаштирилади:

зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари;

ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар.

6. Марказлар:

ҳудудий ички ишлар ҳамда тиббиёт бўлинмаларига тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, шунингдек, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар ҳақида зудлик билан хабар беради;

ички ишлар органларига тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёхуд ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар ҳамда уларнинг фарзандлари марказларга келиб тушиш сабаблари, шунингдек, уларга кўрсатилган ёрдамлар тўғрисидаги статистик-таҳлилий маълумотларни ҳар ойнинг якуни билан киритиб боради.

7. Республика марказига маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири тавсиясига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган **директор** раҳбарлик қилади.

8. Қуйидагилар марказлар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. **2021 йил 1 июндан** эътиборан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга биноан:

а) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги:

марказларга методик ёрдам кўрсатади ва фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

зўравонликнинг олдини олиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёки қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга оширади ҳамда ушбу йўналишда илғор хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларини жорий этиш чораларини кўради;

б) Ички ишлар вазирлиги:

ҳимоя ордери нусхасини олган, яъни тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширади;

марказларга мурожаат қилган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг йўқотилган биометрик паспортларини (идентификация ID-карталарини) тиклаб бериш чораларини кўради;

в) Халқ таълими вазирлиги:

Ўз жонига қасд қилишга мойил қизлар, шунингдек руҳиятида ўзгариш кузатилган ўқувчи қизлар рўйхатини шакллантириш, уларга тиббий ва психологик кўмак кўрсатиш бўйича манзилли ишларни ташкил этади;

марказларга жойлаштирилган аёлларнинг вояга етмаган фарзандларини энг яқин ҳудуддаги умумий ўрта таълим муассасаларига вақтинча жойлаштириш чораларини кўради;

г) Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказларга келтирилган хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни кўрикдан ўтказиш ҳамда жабрланганларни ўзининг тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида бепул даволаш чораларини кўради;

д) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган иш қидираётган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, касбга йўналтириш чораларини кўради;

хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, касбга йўналтириш билан боғлиқ харажатлар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади;

е) «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти зўравонликнинг келиб чиқиш омиллари ва сабабларини чуқур ўрганади, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, зўравонликка учраган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёхуд ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича таҳлилий материаллар ва илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқади;

ж) “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатишни ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни, уларнинг келиб чиқишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш бўйича сўровлар ўтказади, таҳлил қилади, умумлаштиради ва уларга барҳам бериш бўйича таклифлар киритади;

з) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

тазйиқ ва зўравонликка учраган ҳамда фуқаролар йиғинларига мурожаат қилган хотин-қизларни ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни белгилайди ҳамда марказлар ва ички ишлар органларига зудлик билан хабар беради;

маҳалла ҳудудида тазйиқ ва зўравонлик қилган ёки қилишга мойиллиги бўлган шахсларни аниқлаш ва улар билан олиб бориладиган профилактика ишларида фаол иштирок этади.

10. Бош прокуратура, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан хотин-қизларни турмушга тайёрлаш, уларда фарзанд тарбиясига оид кўникмаларни мукаммал шакллантириш, уларни турли тазйиқ, зўравонликдан ҳимоя қилиш, оилаларда суицид ва ажримларнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг маънавиятини юксалтириш, бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, тадбиркорликка жалб этиш мақсадида **“AZIZ-AYOL.UZ” ягона интерактив миллий платформаси** ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига мазкур платформанинг узлуксиз ишлашини таъминлаш ва уни такомиллаштириш мақсадида мутасадди вазирлик ва идораларни жалб қилиб бориш вазифаси юклатилсин.

11. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги:

а) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда манфаатдор идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда**:

тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар билан ўзаро алоқани амалга ошириш ва шошилиш руҳий, психотерапевтик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этиш учун мўлжалланган, 24 соат узлуксиз ишлайдиган **“ишонч телефони”**ни (республика доирасида ягона қисқа рақам) ўрнатилган тартибда йўлга қўйсин ва унинг фаолиятидан аҳолини оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиб борсин;

“AZIZ-AYOL.UZ” ягона интерактив миллий платформасига **“ишонч телефони”** рақамининг киритилишини ва унинг 24 соат узлуксиз ишлашини таъминласин;

б) Миллий гвардия Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** Вазирлар Маҳкамасига марказлар ходимлари ҳамда жабрланганларнинг хавфсизлигини таъминлаш, марказлар биноларини қўриқлаш чораларини кўриш тўғрисида асосланган таклифлар киритсин.

12. Зўрлик ҳамда ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш, ушбу ҳаракатлардан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш бўйича “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бир ой муддатда **Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази** тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

14. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини кенг ёритиш тавсия этилсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Р.Т. Маматов белгилансин.

17. Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Зўрлик ҳамда ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш, ушбу ҳаракатлардан
жабрланганларни қўллаб-қувватлаш бўйича
«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш				
1.	Қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2021 йил июнь	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2021 йил июнь	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги
3.	Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёки қасд қилишга мойил бўлган шахслар билан ишлаш тартибини тасдиқлаш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2021 йил август	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги
4.	Ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2021 йил июль	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ёшлар ишлари агентлиги

5.	Марказ ходимлари ҳамда жабранганларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Марказ биноларини қўриқлаш чораларини кўриш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2021 йил июнь	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
II. Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари фаолиятини амалий ва услубий жиҳатдан таъминлаш				
6.	1146 “ишонч телефони”га учинчи шахсларнинг, шу жумладан қўшниллар, коммунал хизмат ходимлари, тиббиёт муассасалари ва дорихоналар ходимлари, мактаб психологлари ҳамда аноним шахслар томонидан оилавий зўравонлик ҳолатлари тўғрисида хабар бериш тартибини ишлаб чиқиш.	Махсус йўриқнома	2021 йил июль	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
7.	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг билим ва малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	Режа асосида	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, манфаатдор вазирлик ва идоралар

8.	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларининг ички ишлар органлари маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик йўналишларини белгилаш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2021 йил июль	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, Ички ишлар вазирлиги
9.	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари мутахассислари учун “хавф-хатар гуруҳи”даги хотин-қизлар билан ишлаш бўйича методик қўлланмалар ишлаб чиқиш.	Методик қўлланма	2021 йил июль-август	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, манфаатдор вазирлик ва идоралар
III. Жамиятда зўравонликка нисбатан мурасасизлик муносабатини шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш				
10.	“Биз зўравонликка қаршимиз” ғоясини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида нотинч ва муаммоли оилаларни ўз вақтида аниқлаш, улардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.	Чора-тадбирлар режаси	2021 йил август	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ёшлар ишлари агентлиги

11.	Оилавий зўравонликнинг олдини олиш, аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, визуал видео-анимацион клиплар, қисқа метражли фильмлар ва кўрсатувлар тайёрлаш орқали зўравонлик қурбонлари учун амалий ёрдам олиш бўйича ахборот-тушунтириш ишларини амалга ошириш.	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бош прокуратура, МТРК, ЭОАВМА, АОКА
12.	Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш.	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, оммавий ахборот воситалари, манфаатдор вазирлик ва идоралар
13.	“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни касбга ўқитиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида уларни ҳунармандчиликка ўргатиш бўйича ўқув-курсларини ташкил қилиш.	Амалий чора-тадбирлар	2021 йил давомида	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
14.	Низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатишни ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни, уларнинг келиб чиқишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш бўйича сўровлар ўтказиб бориш.	Ижтимоий сўровлар	Доимий	“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, оммавий ахборот воситалари

15.	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари, "AZIZ-AYOL.UZ" ягона интерактив миллий платформаси фаолияти ҳамда "ишонч телефони"ни оммалаштириш мақсадида улар тўғрисида маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиб бориш.	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, оммавий ахборот воситалари
16.	Хотин-қизларнинг тазйиқ ва зўравонликдан жабрланиш ҳолатларининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида жойларда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш.	Амалий чора-тадбирлар	Режа асосида	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар
17.	25 ноябрь – Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш халқаро куни муносабати билан ҳудудларда "Биз зўравонликка қаршимиз" мавзуси бўйича ижтимоий видеороликлар тайёрлаш ва оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли эътиборига етказиш.	Амалий чора-тадбирлар	2021 йил ноябрь	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, оммавий ахборот воситалари, манфаатдор вазирлик ва идоралар





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil « 19 » _____ мая _____

№ПП–5116

О дополнительных мерах по реабилитации женщин, пострадавших от насилия

В целях обеспечения исполнения Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах и Национальной стратегии Республики Узбекистан по правам человека, а также оказания социально-правовой и психологической помощи женщинам, оказавшимся в тяжелом социальном положении, и их адресной поддержки:

1. Согласиться с предложениями Министерства по поддержке махалли и семьи, Министерства внутренних дел, Национального центра Республики Узбекистан по правам человека и Попечительского совета Республиканского центра реабилитации и адаптации лиц, пострадавших от насилия, и предупреждения суицидов, предусматривающими:

упразднение Республиканского центра реабилитации и адаптации лиц, пострадавших от насилия, и предупреждения суицидов;

образование при Министерстве по поддержке махалли и семьи **Республиканского центра реабилитации и адаптации женщин** (далее – Республиканский центр) и его территориальных отделений на базе Республиканского центра реабилитации и адаптации лиц, пострадавших от насилия, и предупреждения суицидов;

образование **29** центров реабилитации и адаптации женщин (далее – центры), в частности **1** республиканского, **14** региональных и **14** межрайонных образцовых центров, за счет оптимизации действующих **197** центров реабилитации и адаптации лиц, пострадавших от насилия, и предупреждения суицидов.

2. Определить общую предельную численность управленческого персонала центров в количестве **63 единиц**, в том числе центрального аппарата – 7 единиц.

Установить, что при определении должностного оклада работников центров по утвержденным разрядам оплаты труда по Единой тарифной сетке тарифные коэффициенты применяются в полуторакратном размере.

При необходимости к деятельности центров на общественных началах могут привлекаться юристы, психологи и социальные работники.

3. Определить, что:

республиканский и региональные центры являются юридическими лицами в форме государственного учреждения, имеют самостоятельный баланс, лицевой казначейский и банковский счета, а также печать с изображением Государственного герба Республики Узбекистан и со своим наименованием на государственном языке;

центры осуществляют свою деятельность на основе принципов **анонимности, конфиденциальности информации, профессионального мастерства и безопасности;**

органы государственной власти и управления осуществляют свою деятельность **в тесном сотрудничестве с центрами без вмешательства в их деятельность;**

центры в целях эффективной организации своей деятельности могут привлекать волонтеров в соответствии с актами законодательства.

4. Определить **основными задачами центров:**

оказание экстренной медицинской, психологической, социальной, педагогической, правовой и иной помощи в анонимной форме женщинам, пострадавшим от притеснения и насилия, а также покушавшимся на свою жизнь или склонным к совершению суицида;

оказание содействия в обеспечении гарантий прав женщин, оказавшихся в тяжелом социальном положении, в том числе столкнувшихся с семейными проблемами и бытовым насилием;

оказание тесного содействия деятельности государственных органов и институтов гражданского общества по изучению и предупреждению случаев суицида и покушения на свою жизнь, совершенных женщинами, а также возвращению к нормальной жизни женщин, пытавшихся совершить суицид;

оказание всесторонней поддержки женщинам (пострадавшим от притеснения и насилия, имеющим социальные проблемы), включенным в «Женскую тетрадь», нуждающимся в психологической и правовой консультации, а также принятие мер по исключению их из «Женской тетради»;

разработку предложений по проведению анализа, а также обобщению и пресечению конфликтных ситуаций, семейно-бытового насилия и суицидального поведения, причин и условий, им способствующих;

проведение профилактических мероприятий с женщинами, пострадавшими от притеснения и насилия или покушавшимися на свою жизнь либо склонными к совершению суицида;

оказание содействия в профессиональной ориентации женщин, оказавшихся в тяжелом социальном положении, в том числе столкнувшихся с семейными проблемами и бытовым насилием;

изучение общественного мнения и проведение социальных исследований в целях выявления актуальных социальных проблем;

проведение пропагандистско-разъяснительной работы, направленной на предупреждение насилия, обеспечение гарантий прав и повышение правовой культуры женщин с широким использованием в данных целях средств массовой информации и сети Интернет.

5. Установить, что в центрах размещаются:

женщины, пострадавшие от насилия, а также их несовершеннолетние дети;

женщины, покушавшиеся на свою жизнь или склонные к совершению суицида.

6. Центры:

незамедлительно сообщают территориальным органам внутренних дел и медицинским учреждениям о женщинах, пострадавших от притеснения и насилия, а также покушавшихся на свою жизнь или склонных к совершению суицида;

по итогам каждого месяца вносят в органы внутренних дел статистическую и аналитическую информацию о причинах поступления в центры женщин, пострадавших от притеснения и насилия, а также покушавшихся на свою жизнь или склонных к совершению суицида, их детей и помощи, оказанной им.

7. Республиканским центром руководит **директор**, назначаемый на должность и освобождаемый от должности Кабинетом Министров по рекомендации министра по поддержке махалли и семьи.

8. Определить источниками финансирования деятельности центров:
 средства Государственного целевого фонда по поддержке женщин;
 благотворительные пожертвования юридических и физических лиц;
 гранты международных финансовых институтов и иных зарубежных организаций;

иные источники, не запрещенные актами законодательства.

9. Установить с **1 июня 2021 года** порядок, в соответствии с которым:

а) Министерство по поддержке махалли и семьи:

оказывает методическую помощь и координирует деятельность центров;

осуществляет сотрудничество с международными и зарубежными организациями и научно-исследовательскими учреждениями по предупреждению насилия, поддержке женщин, пострадавших от притеснения и насилия или покушавшихся на свою жизнь либо склонных к совершению суицида, а также принимает меры по внедрению положительного опыта передовых зарубежных государств в данном направлении;

б) Министерство внутренних дел:

осуществляет профилактический учет лиц, получивших копию охрannого ордера, то есть притеснявших и (или) совершивших насилие либо склонных к их совершению;

принимает меры по восстановлению утерянного биометрического паспорта (идентификационной ID-карты) женщин, обратившихся в центры, и их несовершеннолетних детей;

в) Министерство народного образования:

организует адресную работу по формированию списков девушек, склонных к совершению суицида, и учащихся-девочек, в психике которых наблюдаются изменения, оказанию им медицинской и психологической помощи;

принимает меры по временному устройству несовершеннолетних детей женщин, размещенных в центрах, в средние общеобразовательные учреждения, расположенные в непосредственной близости от центров;

г) **Министерство здравоохранения** принимает меры по оказанию первой медицинской помощи, проведению медицинского осмотра женщин, доставленных в центры, и их детей, а также бесплатному лечению пострадавших в подведомственных медицинских учреждениях;

д) **Министерство занятости и трудовых отношений:**

принимает меры по обеспечению занятости, привлечению к предпринимательству и профессиональной ориентации женщин, ищущих работу и оказавшихся в тяжелом социальном положении, в том числе столкнувшихся с семейными проблемами и бытовым насилием.

При этом расходы, связанные с обеспечением занятости, привлечением к предпринимательству и профессиональной ориентацией женщин, осуществляются в рамках средств, выделенных Государственному фонду содействия занятости из Государственного бюджета;

е) **Научно-исследовательский институт «Махалла ва оила»** проводит глубокое изучение факторов и причин, порождающих насилие, разрабатывает аналитические материалы и научно обоснованные рекомендации по формированию в семьях здоровой атмосферы, своевременному выявлению проблем женщин, а также совершенствованию системы оказания социально-правовой, психологической и материальной помощи женщинам, подвергшимся насилию или покушавшимся на свою жизнь либо склонным к совершению суицида;

ж) **Республиканский центр изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр»** проводит опросы по выявлению конфликтных ситуаций, семейно-бытового насилия и суицидального поведения, причин и условий, им способствующих, осуществляет их анализ, обобщение, а также вносит предложения по их устранению;

з) **органы самоуправления граждан:**

определяют меры по защите женщин, подвергшихся притеснению и насилию и обратившихся в сходы граждан, незамедлительно сообщают о данных фактах в центры и органы внутренних дел;

принимают активное участие в выявлении лиц, притеснявших и совершивших насилие на территории махалли либо склонных к его совершению, а также профилактической работе, проводимой с такими лицами.

10. Принять к сведению, что Генеральной прокуратурой, Советом Федерации профсоюзов Узбекистана и Министерством по поддержке махалли и семьи создана **Единая интерактивная национальная платформа «AZIZ-AYOL.UZ»** в целях подготовки девушек к семейной жизни, полноценного формирования у них навыков воспитания детей, защиты женщин от разного рода притеснений и насилия, предупреждения суицида и развода в семьях, а также повышения духовности, обеспечения занятости, обучения профессиям и привлечения к предпринимательству женщин.

Возложить на Министерство по поддержке махалли и семьи задачу по обеспечению бесперебойной работы данной платформы, а также привлечению ответственных министерств и ведомств в целях ее совершенствования.

11. Министерству по поддержке махалли и семьи:

а) совместно с Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций, а также заинтересованными ведомствами **в месячный срок:**

организовать в установленном порядке функционирование **«телефона доверия»** (единый короткий номер, доступный по республике), бесперебойно работающего 24 часа, предоставляющего возможность для осуществления взаимосвязи с женщинами, подвергшимися притеснениям и насилию, покушавшимися на свою жизнь либо склонными к **совершению суицида**, а также оказания им неотложной психологической, психотерапевтической и правовой помощи, предоставления консультаций и необходимой информации, и информировать население о деятельности «телефона доверия» через средства массовой информации;

обеспечить интеграцию номера **«телефона доверия»** в Единую интерактивную национальную платформу «AZIZ-AYOL.UZ» и его бесперебойную работу 24 часа;

б) совместно с Национальной гвардией, Министерством внутренних дел, Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и города Ташкента **в месячный срок** внести в Кабинет Министров обоснованные предложения по обеспечению безопасности работников центров и пострадавших, а также охране зданий центров.

12. Утвердить «Дорожную карту» по предупреждению случаев насилия и суицида и поддержке пострадавших от этих действий согласно приложению.

13. Министерству по поддержке махалли и семьи в месячный срок утвердить **Положение о Республиканском центре реабилитации и адаптации женщин.**

14. Министерству по поддержке махалли и семьи совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами в двухмесячный срок внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего постановления.

15. Рекомендовать Агентству информации и массовых коммуникаций, Национальному информационному агентству Узбекистана, Национальной телерадиокомпании Узбекистана широко освещать суть и содержание, а также практическое значение настоящего постановления.

16. Возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Мусаева Б.А. и министра по поддержке махалли и семьи Маматова Р.Т. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего постановления.

17. Ежеквартальное обсуждение хода исполнения настоящего постановления, а также осуществление координации и контроля за деятельностью ведомств, ответственных за его исполнение, возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент

«ДОРОЖНАЯ КАРТА»
по предупреждению случаев насилия и суицида и поддержке пострадавших от этих действий

№	Наименование мер	Механизм реализации	Сроки исполнения	Ответственные исполнители
I. Совершенствование нормативно-правовых актов				
1.	Внесение в Кабинет Министров предложений о внесении изменений и дополнений в акты законодательства, вытекающих из настоящего постановления.	Нормативно-правовой акт	Июнь 2021 года	Министерство по поддержке махалли и семьи, заинтересованные министерства и ведомства
2.	Утверждение Положения о Республиканском центре реабилитации и адаптации женщин.	Ведомственный нормативно-правовой акт	Июнь 2021 года	Министерство по поддержке махалли и семьи
3.	Утверждение порядка работы с лицами, пострадавшими от притеснения и насилия или покушавшимися на свою жизнь либо склонными к совершению суицида.	Ведомственный нормативно-правовой акт	Август 2021 года	Республиканский центр реабилитации и адаптации женщин, Министерство здравоохранения, Министерство внутренних дел
4.	Разработка и утверждение программы мер по предотвращению суицидов.	Постановление Кабинета Министров	Июль 2021 года	Министерство по поддержке махалли и семьи, Министерство внутренних дел, Министерство здравоохранения, Министерство народного образования, Министерство занятости и трудовых отношений, Комитет по делам религий при Кабинете Министров, Агентство по делам молодежи

5.	Внесение в Кабинет Министров предложений о принятии мер по обеспечению безопасности работников Центра и пострадавших и охране зданий Центра.	Проект нормативно-правового акта	Июнь 2021 года	Министерство по поддержке махалли и семьи, Национальная гвардия, Министерство внутренних дел, Совет Министров Республики Каракалпакстан, хокимияты областей и города Ташкента
II. Практическое и методическое деятельности центров реабилитации и адаптации				
6.	Разработка порядка информирования о случаях семейного насилия третьими лицами, в том числе соседями, работниками коммунальной службы, работниками медицинских учреждений и аптек, школьными психологами, а также анонимными лицами по «телефону доверия» – 1146.	Специальная инструкция	Июль 2021 года	Министерство по поддержке махалли и семьи, Республиканский центр реабилитации и адаптации женщин, Министерство внутренних дел, Министерство по развитию информационных технологий и коммуникаций, заинтересованные министерства и ведомства
7.	Организация учебных семинаров в целях повышения уровня знаний и квалификации специалистов, осуществляющих деятельность в центрах реабилитации и адаптации женщин.	Практические меры	На основе плана	Министерство по поддержке махалли и семьи, Республиканский центр реабилитации и адаптации женщин, заинтересованные министерства и ведомства
8.	Определение направлений	Ведомственный	Июль	Республиканский центр

	сотрудничества центров реабилитации и адаптации женщин с инспекторами по профилактике махаллинских пунктов правопорядка органов внутренних дел.	нормативно-правовой акт	2021 года	реабилитации и адаптации женщин, Министерство внутренних дел
9.	Разработка методических пособий для специалистов центров реабилитации и адаптации по работе с женщинами, входящими в группы риска.	Методическое пособие	Июль –август 2021 года	Министерство по поддержке махалли и семьи, Республиканский центр реабилитации и адаптации женщин, заинтересованные министерства и ведомства
III. Формирование в обществе непримиримого отношения к насилию, повышение правовой грамотности населения				
10.	Разработка плана мер по своевременному выявлению неблагополучных и проблемных семей, оздоровлению в них социально-духовной атмосферы, предупреждению конфликтных ситуаций в целях внедрения в жизнь идеи «Мы против насилия».	План мер	Август 2021 года	Министерство по поддержке махалли и семьи, Министерство внутренних дел, Министерство здравоохранения, Министерство народного образования, Министерство занятости и трудовых отношений, Комитет по делам религий при Кабинете Министров, Агентство по делам молодежи
11.	Проведение пропагандистско-	Практические меры	Постоянно	Министерство по поддержке

	разъяснительной работы по оказанию практической помощи жертвам насилия путем предупреждения семейного насилия, повышения правовой грамотности женщин, а также подготовки визуальных видео-анимационных клипов, короткометражных фильмов и передач.			махалли и семьи, Генеральная прокуратура, НТРК, НАЭСМИ, АИМК
12.	Освещение в средствах массовой информации осуществляемой работы по защите женщин от притеснения и насилия.	Практические меры	Постоянно	Республиканский центр реабилитации и адаптации женщин, средства массовой информации, заинтересованные министерства и ведомства
13.	Организация учебных курсов по обучению ремесленничеству женщин, включенных в «Женскую тетрадь», в целях их профессионального обучения и оказания содействия обеспечению занятости.	Практические меры	В течение 2021 года	Министерство занятости и трудовых отношений, Министерство по поддержке махалли и семьи, Совет Министров Республики Каракалпакстан, хокимияты областей и города Ташкента
14.	Проведение опросов по выявлению конфликтных ситуаций, семейно-бытового насилия и суицидального поведения, а также причин и условий, им способствующих.	Социальные опросы	Постоянно	Республиканский центр изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр», Республиканский центр реабилитации и адаптации женщин, средства массовой информации
15.	Освещение в СМИ и социальных сетях	Практические меры	Постоянно	Республиканский центр

	материалов о деятельности центров реабилитации и адаптации женщин, Единой интерактивной национальной платформы «AZIZ-AYOL.UZ» и «телефоне доверия» в целях их популяризации.			реабилитации и адаптации женщин, средства массовой информации
16.	Проведение на местах пропагандистско-разъяснительной работы в целях предупреждения случаев притеснения и насилия женщин, повышения их правовой грамотности.	Практические меры	На основе плана	Министерство по поддержке махалли и семьи, центры реабилитации и адаптации женщин, заинтересованные министерства и ведомства
17.	Подготовка социальных видеороликов на тему «Мы против насилия» в связи с 25 ноября – Международным днем борьбы за ликвидацию насилия в отношении женщин с доведением их до населения через средства массовой информации.	Практические меры	Ноябрь 2021 года	Министерство по поддержке махалли и семьи, Республиканский центр реабилитации и адаптации женщин, средства массовой информации, заинтересованные министерства и ведомства

